ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ИЖТИМОИЙ СОҲА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ »

республика илмий-амалий анжуман

(2016 йил, 20 май)

САМАРҚАНД – 2016

2014 йил маълумотларига кўра, аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 22392,4 млрд сўмни ташкил этган, шаҳарларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пулли хизматлар ҳажми 1027,5 минг сўмни, қишлоқ жойларида эса 406,7 минг сўмни, яъни шаҳарларга нисбатан қарийб 2,5 мартага кам[172].

Юқорида келтирилган маълумотлар қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма хизматларини ривожлантириш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди, яъни қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма хизматларини шаҳарларга нисбатан юқори суръатлар билан ўстириш орқали қишлоқ аҳолиси учун бепул долзарб бўлган бандлик муаммосини ҳал этиш мумкин. Тахминий ҳисоб-китоблар қишлоқ жойлардаги ижтимоий инфратузилма хизматларини нисбатан жадал ривожлантириш йўли билан уларни шаҳардаги хизматлар даражасига кўтариш қишлоқ жойларда қўшимча равишда 1600-1800 минг янги иш ўринларини вужудга келтириш мумкинлигини кўрсатди.

Масалан, 2014 йил маълумотларига кўра, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 11431,2 минг киши ишлаган, чакана йиллик савдо айланмаси эса 58136,6 млрд сўмни ташкил этган. Таҳлил натижалари шаҳарларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача савдо чакана айланмаси 2826,7 минг сўмни, қишлоқ жойларида эса 891,9 минг сўмни, яъни шаҳарларга нисбатан қарийб 3,2 мартага кам. Қишлоқ жойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмасини шаҳар кўрсаткичларига етказиш ушбу соҳага қўшимча равишда 530 минг кишини жалб этишни, яъни шунча янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Шундай қилиб, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш айниқса алоқа хизматлари, маиший хизмат, таълим хизматларини жадал ривожлантириш асосида янги иш ўринларини барпо этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари жуда каттадир.

БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ИНСОН КАПИТАЛИ

Ҳусенов С. - Катта илмий ходим изланувчи (СамИСИ)

Инсоннинг билимлар билан бойишининг доимий жараёни замонавий шароитда фаннинг жамият ҳаётидаги ролининг ортиб боришига ва мамлакатда билимлар иқтисодиётини шаклланишига замин яратмоқди. Билимларга асосланган иқтисодиёт тизимида билимлардан ресурс сифатида фойдаланиш, билимларни жорий этиш биринчи навбатда инновацион жараённи амалга ошириш билан боғлиқдир. Билимларни жорий этиш самараси, энг аввало инсон фаровонлигини акс эттирадиган унинг саломатлиги, турмуш даражасининг сифати ва умр кўриш давомийлигида ўз ифодасини топади. Демак, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда билимлар, ахборот аҳамиятининг кучайиши, билимларнинг аста-секин инсон капиталига айланиши таълим соҳасининг ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти таркибидаги ролини кескин ўзгаришига олиб келмоқда.

Мамлакатда билимлар иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш учун энг авволо мавжуд инсон капиталидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу тизимда инсон капитали қўшимча даромад манбаи бўлиб, билим, кўникма, инсон қобилиятлари ёрдамида яратилади, демак инсондаги билим у инсондаги капитални ташкил қилади. Инсонлар томонидан билимларни ўзлаштирилиши ва ундан самарали фойдаланиш жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий ривожланишини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Таниқли америкалик иқтисодчи Т.Стоуньер “Иқтисодиётнинг саноат ривожланишидан кейинги даврида **билим**, ер, меҳнат ва

[172] Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Т.: 2015, 50, 187б.

капитал ўрнини босиб, замонавий ишлаб чиқариш тизимларининг энг муҳим асосига айланди"[173] деб кўрсатади.

Экспертларнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра, ҳозирги даврда жисмоний капитал улушига жаҳон бўйича ўртача миллий бойликнинг 16,0 % тўғри келади. Айни пайтда миллий бойликда инсон капиталининг улуши 64,0 %, табиий капиталнинг улуши 20,0 % ни ташкил қилади[2].

Мамлакатда билимлар иқтисодиёти юксалиши билан иқтисодий ривожланиш даражаси ортади бу эса инсон капиталининг миллий бойликдаги улуши кўпайишига олиб келади. АҚШ, Германия, Швейцария ва Японияда мазкур салмоқ 80,0 % га етгани худди шундан далолат беради. Жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши статегиясида таълимга инсонни ривожлантириш концепциясининг энг муҳим таркибий қисми сифатида ёндашилади.

Билимлар иқтисодиёти асосининг таълим ва фан соҳалари муҳим ахамият касб этади. Бу иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши марказида инсон капитали ва унинг сифати туради. Таълим ва фан соҳалари орқали иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳалари учун салоҳиятли кадрлар ва инновацион янгиликлар, техника ва технологиялар билан таъминлайди. Хозирги кунда билимлар иқтисодиёти таълим ва фан соҳаларига таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш талабини қуймоқда. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки бундай талабнинг қўйилиши нигизида мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий таълим муассасаларини ҳам замонавий моддий-техник базасини молиявий жиҳатдан янада мустахкамлаш, таълим муассасаларида ёш олимлар ва талабалар томонидан яратилаётган инновацион ишланмаларнинг амалиётга тадбиқ этишда моддий жихатдан замин яратишга қаратилганлиги билан муҳим ахамиятга эга. Ҳозирги кунда юртимизда "Ўзбек миллий модели" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" орқали билимлар иқтисодиёти шакллантириш бўйича жуда катта ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интелектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида ўтган ҳалқаро конференцияни тўғрисида бироз тухталиш мақсадга муофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу анжуманда дунёдаги 8 та нуфузли ташкилот ва 48 давлатдан 270 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолаб, бошқа мамлакатлари учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин деган хулосага келишди. Дунёда медиа оламга машҳур бўлган CNN компаниясининг АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисида эълон қилинган қиёсий ахбороти мисолида кўришимиз мумкин. Бунга кўра Франциянинг нуфузли "Insead" бизнес мактаби ва Жаҳон интелектуал мулк ташкилоти томонидан 2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси деб номланган татқиқот олиб борган. Бу татқиқод дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш борасидаги 80 та кўрсаткични ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич дунё мамлакатларида билимлар иқтисодиётини муваффақиятли ривожланиши ва унинг хосиласи бўлмиш инновацион салоҳият ва қулай шарт-шароитлар мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай холатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутади. Мазкур индекс қуйидаги икки гурух кўрсаткичлар билан аниқланилади. Биринчи гуруҳ кўрсаткичи- инновацияларни амалга ошириш учун мавжуд ресурс ва шароитлар

1Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики. Новая технологическая волна на Западе / Под ред. Гуревича П.С. –М.: Прогресс, 1986. - С.24.

[2]Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида . – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 289 бет

(институтлар, инсон капитали, ва илмий тадқиқотлар, инфратузилма, ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши). Иккинчи гурух кўрсаткичи инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари (технологиялар ва иқтисодиёт ҳақидаги билимларнинг ривожлантириш) ва бошқалар. Юқорида келтирилган таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган.

Мамлакатимизда билимларга асосланган иқтисодётни шакллантириш ва ривожлантиришда таълим ва фан соҳалари фаолиятини, функцияларини қайта кўриб чиқиш ҳам талаб этилади. Таълим ва фанни янги сифат даражасига кўтариш учун унинг янги функцияларини белгилаб олиш жуда мухимдир. Улар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ✓ Ёшларнинг илмий ижод қилишга ундовчи стимулни яъни ёшларни янгилик, инноватция яратишга бўлган қизиқишини хар томонлама қуллаб-қувватлашнинг замонавий механизмини яратиш;
- ✓ Ёш олимларнинг илмий ижодини янада ривожлантириш мақсади уларга керакли илмий ижод муҳитини яъни илмий ижод инфратузилмасини яратиш;
- ✓ Ёш олимларнинг илмий ижодини моддий қуллаб-қувватлар мақсадида **(таълим+фан+бизнес)** йирик корхоналар билан хамкорликда грантлар дастурини ишлаб чиқиш;
- ✓ Фан технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш;
- ✓ Фан ва таълим тизими томонидан яратилган инновацион маҳсулотларни хўжалик амалиётига жорий этишнинг замонавий механизмини ишлаб чиқиш;
- ✓ Фан ва таълим соҳаларида илмий-тадқиқот ва илмий ишларнинг баҳолашга замонавий ёндошувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар натижаларини иқтисодиётнинг реал секторлар, кичик бизнес субъектлари фаолиятларида қуллаш орқали таълим соҳасидаги тадқиқотчи олимларнинг обрў эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш;
- ✓ Инноватцион ғоя ва ишланмаларни яратишда фақат фан ёки таълим соҳасидаги олий таълим, ўрта махсус таълим муассалари билан чегараланиб қолмасдан балки ўзоқ туман, қишлоқ ёшлари жалб этишни янгича механизмини ишлаб чиқиш керак;

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда билимлар иқтисодиётини ривожлантириш инновацион жараёнларни узлуксиз ривожланиб боришини кўп жиҳатдан инсон капиталига киритилган инвистицияларга боғлиқ бўлади. Бугунги кунда илмий ишланмаларга харажатлар ҳам инсон капиталига инвестициялар ҳисобланади. Фаннинг ривожланиши жараёнида фақат интеллектуал янгиликлар яратилиб, улар асосида ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари шаклланибгина қолмасдан, балки янги қобилият ва эхтиёжларга эга бўлган одамларнинг ўзи ҳам сифат жиҳатдан ўзгаради. Билимлар иқтисодиётида таълим ва фан ўзига хос инсон капитали генераторига айланади.

ИҚТИСОДИЁТ ВА СИНЕРГЕТИКА

Ташназаров С.А. – катта илмий ходим, изланувчи (СамИСИ)

Мустақилликни қўлга киритган йилдан бошлаб Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган, ўзига хос миллий иқтисодиётни барпо этиш йўлини танлади. Истиқлолга эришгандан буён мустақил давлатимизда кўп тармоқли иқтисодиёт вужудга келди. Нафақат иқтисодиётда, балки жамиятнинг барча бўғинларида, жабҳаларида барқарор ўсиш ва ривожланиш суръатларига эришилди. Бундай барқарорликка тасодифлар эвазига эмас, балки, мақсадли ва тизимли амалга оширилган кўпгина ислоҳотлар натижасида эришилди. Бу борада юртбошимиз

Ҳотамов М.А. ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ДАРСЛАРИДА ТАБАҚАЛИ ЁНДОШИШ..... 352
Джалилов Ш.А., Ибрагимова С. ДИДАКТИЧЕСКИЕ МАТЕРИАЛЫ С ПЕЧАТНОЙ ОСНОВОЙ КАК СРЕДСТВО ПОДГОТОВКИ К ИЗУЧЕНИЮ НОВОГО МАТЕРИАЛА..... 354
Zaripov A. S. "BADIIY ASARMI BADIIY FILM?"..... 355
Axtamov J.B. JISMONIY TARBIYANING, INSONNI ETUK QILIB SHAKLLANTIRISHDAGI ROLI..... 356
Маматкулова К.А.,Хамидова Н.З. МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ – ПОНИМАТЬ НЕ ЗНАЧИТ ГОВОРИТЬ 357
Р.Б.Коссе. СПОРТИВНЫЕ СОРЕВНОВАНИЯ, СОРЕВНОВАНИЯ, ИХ ПЛАНИРОВАНИЕ, ОРГАНИЗАЦИЯ И ПРОВЕДЕНИЕ..... 360
Джалилов Ш.А., Рузиев Э.К ИСТОРИИ ОТКРЫТИЯ ЛОГАРИФМОВ 361
Ҳотамов М.А. УЗЛИКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ..... 363
Axtamov J.B ., Ulug'bekov O. XALQ SEVGAN O'YIN..... 365
Жуманов Х.Г. ТАЛАБА ҚИЗЛАР ОРАСИДА СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 366
Джалилов Ш.А., Саид-Ахмедов Т. К ИСТОРИИ ФОРМИРОВАНИЯ ТРИГОНОМЕТРИИ КАК САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ВЕТВИ МАТЕМАТИКИ..... 368
Махмудова З. И. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИ УЧУН ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРГА БАХОЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ..... 370
М.К.Каримов.,Ш.З.Норкулов. УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТОИФАЛАР БЎЙИЧА ТАВСИФЛАНИШИ..... 371
Д.Асланова., Д.Норкулова. МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ДЛЯ СФЕРЫ ТУРИЗМА..... 373
Исхакова С.А. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ РОЛИ..... 376
Ҳусенов С.БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ИНСОН КАПИТАЛИ..... 378
Ташназаров С.А ИҚТИСОДИЁТ ВА СИНЕРГЕТИКА..... 380